

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-53408-4.04

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**БОЖХОНА ИШИ АСОСЛАРИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"
таълим соҳасидаги 5340800 - "Солиқлар ва
солиққа тортиш" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчилар: доц. Худойкулов С.,
доц. Баймуратов Т.

Такризчилар: доц. Абдуллаев Ж.,
доц. Саидхўжаев П.

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тасдиқланган ўқув режасига биноан ишлаб чиқилган ва иқтисодий университет, институт, факультетларининг "Молия ва кредит" мутахассисликларига тавсия қилинади.

В соответствии с государственным стандартом Высшего образования, дисциплина "Основы таможенного дела" является одним из важнейших предметов" по направлению "Налоги и налогообложение".

Данная учебная программа одобрена и рекомендована Министерством высшего и средне специального образования Республики Узбекистан

This program produced through Ministry of high and Secondary Education of Republic of Uzbekistan's approved teaching plan and recommended for "Finance and credit" speciality of economic university, institute and faculties.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастурлар тўплами Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Олий таълимнинг Давлат стандартларига мувофиқ "Солиқлар ва солиққа тортиш" ва "Божхона иши" йўналишлари учун "Божхона иши асослари" фанини ихтисослик фан сифатида бошқа ихтисосликлар учун эса умумқасбий фан сифатида ўқитиш кўзда тутилган. Давлатнинг протекционизм (ички бозорни ҳимоялаш) сиёсати асосан солиқлар ва бошқаруш орқали амалга оширилади. Бу эса молия-кредит механизмнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. "Солиқлар ва солиққа тортиш" йўналиши учун ушбу фанни ўқитишдан асосий мақсад

талабаларга импорт-экспорт операцияларидан мажбурий тўловларни ундуриш, бож орқали иқтисодий тартиблаш, ички бозорни ҳимоялаш тартибларининг иқтисодий-ҳуқуқий мазмунини тўлароқ ўрганишдан иборат. "Божхона иши асослари" фани ўрганиш объектининг яқинлигига кўра "Жаҳон иқтисодиёти", "Халқаро иқтисодий муносабатлар", "Экспорт-импорт операцияларини солиққа тортиш" каби фанлар билан ўзаро боғлиқ ҳисобланади.

Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

"Божхона иши асослари" фани талабаларга касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишга, тегишли бакалаврият йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантиришга хизмат қилади. Ушбу фан бўйича амалий машғулотлар ўтказилиши мўлжалланган бўлиб, унда талабаларнинг фаол иштирок этиши талаб қилинади.

Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Талабалар ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотларининг мавзуларидан тегишли тартибда танлаб олиб, бу мавзулар бўйича рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлашлари ҳамда амалий машғулотни олиб боровчи профессор-ўқитувчи назоратида тайёрланган ишлар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтишлари лозим. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларидаги юлдузча билан ажратиб кўрсатилган кичик мавзулар бўйича талабаларнинг тўлиқ ўзлаштиришларини белгилаб беради.

Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми бўйича тавсиялар

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 81, шу жумладан 18 маъруза, 36 амалий, 27 мустақил таълим соатлари ажратилган. "Божхона иши асослари" фани бўйича олинган билимлар талабаларни амалий фаолиятда учрайдиган долзарб муаммоларни ечишда ҳамда замонавий иқтисодиётга доир адабиётларни ўрганиб, касбий малакаларини оширишларида кўл келади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

"Солиқ ва солиққа тортиш" фанидан талабаларнинг билимини баҳолаш тўрт марта оралиқ, тўрт марта жорий, ҳамда якуний назорат шаклларида ўтказилади. Якуний назорат ёзма иш шаклида ташкил этилади.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

"Божхона иши" фанини ўқитишда компьютерлардан, аудио ва видео жиҳозлардан, диапроектор ва кодоскоплардан, шунингдек, дарс давомида турли жадваллар ҳамда слайдлардан фойдаланиш талаб этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Божхона иши асослари" фани бўйича маъруза машғулотлари мавзулари

"Божхона иши асослари" фанининг предмети ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси божхона тизимига умумий тавсиф. "Божхона иши асослари" фанининг предмети ва унинг асосий вазифалари. *Божхона фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми. Божхона органларининг ташкилий тузилиши. Ўзбекистонда божхона хизматининг ташкил этилиши ва ривожланиши. Божхона муносабатларида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчаларнинг мазмуни.*

Ўзбекистонда божхона сиёсати

Божхона сиёсатининг мазмуни ва таркиби. *Божхона сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари.* Давлат иқтисодий сиёсатининг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасида божхона сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари.

Божхона назоратининг амалга оширилиши

Товар ва транспорт воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш)да божхона ҳужжатларини расмийлаштириш. *Божхона назоратининг мазмуни ва шакллари. Дастлабки қарорнинг қабул қилиниш омиллари. Божхона назоратини ташкил этиш тамойиллари.* Транспорт воситалари, юклар ва халқаро почта жўнатмаларини божхона кўригидан ўтказиш тартиби. Юкларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби. Божхона юк декларацияси (БЮД) ҳақида тушунча ва уни расмийлаштириш тартиби.

Божхона режимлари ва уларнинг қўлланилиши

Ўзбекистон Республикасида божхона режимларининг мазмуни ва турлари. Божхона режимларига умумий тавсиф. Эркин муомалага чиқаришнинг мазмуни.

Махсус мақсадлар учун қўлланилувчи режимлар. Божхона режимини танлаш ва ўзгартириш тартиби. Товарларни олиб чиқишни таъқиқлаш ва чеклаш тартиби.

Божхона божлари ва тарифларни қўллаш тартиби

"Бож таърифи" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, унинг мазмуни ва моҳияти. Тариф ставкалари ва уларнинг таркиби. Тарифларнинг таснифланиши. *Божхона божлари ва уларнинг турлари. Юк божларининг иқтисодий сиёсатда қўлланилиши. Ўзбекистон Республикаси савдо сиёсатида божлардан фойдаланиш.* Божларни ўз вақтида тўламаганлик ёки нотўғри тўланганда қўлланиладиган жазо турлари.

Божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари

Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг мақсад ва вазифалари. *Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг жаҳон тажрибаси. Божхона қийматини декларациялаш тартиби. Божхона қийматини аниқлашнинг асосий (биринчи) усули.* Айнан бир хил ва ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини аниқлашнинг иккинчи ва учинчи усуллари. Қийматларни айириш ва қўшиш асосида божхона баҳосини аниқлашнинг тўртинчи ва бешинчи усуллари. Божхона қийматини аниқлашнинг резерв олтинчи усули.

Юкларни ташишда божхона назорати

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг ҳуқуқий асослари. *Сертификатланган товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби.* Лицензияланган товарларни ҳаракатланишини божхона назоратидан ўтказиш. Божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

Халқаро юк ташиш қоидалари

Халқаро савдода юк ташиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти. *Юкни жўнатишга тайёрлаш. Халқаро транспорт компаниялари ва транспорт тарифлари.*

Ўзбекистонда транспорт сиёсати. Халқаро юк ташишда "Инкотермс" моҳияти ва мақсади.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

"Божхона иши асослари" фанининг предмети ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси божхона тизимида ишининг умумий тавсиф. "Божхона иши асослари" фанининг предмети ва унинг асосий вазифалари*. Божхона фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизми. Божхона органларининг ташкилий тузилиши. Ўзбекистонда божхона хизматининг ташкил

этилиши ва ривожланиши*. Божхона муносабатларида қўлланиладиган асосий атама ва тушунчаларнинг мазмуни.

Ўзбекистонда божхона сиёсати

Божхона сиёсатининг мазмуни ва таркиби. Божхона сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари*. Давлат иқтисодий сиёсатининг амалга оширилишида Ўзбекистон Республикасида божхона сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари*.

Божхона назоратининг амалга оширилиши

Товар ва транспорт воситаларини олиб кириш(олиб чиқиш)да божхона хужжатларини расмийлаштириш. Божхона назоратининг мазмуни ва шакллари*. Дастлабки қарорнинг қабул қилиниш омиллари. Божхона назоратини ташкил этиш тамойиллари. Транспорт воситалари, юклар ва халқаро почта жўнатмаларини божхона кўригидан ўтказиш тартиби. Юкларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартиби*. Божхона юк декларацияси (БЮД) ҳақида тушунча ва уни расмийлаштириш тартиби.

Божхона режимлари ва уларнинг қўлланилиши

Ўзбекистон Республикасида божхона режимларининг мазмуни ва турлари*. Божхона режимларига умумий тавсиф. Эркин муомалага чиқаришнинг мазмуни.

Махсус мақсадлар учун қўлланилувчи режимлар. Божхона режимини танлаш ва ўзгартириш тартиби*. Товарларни олиб чиқишни таъқиқлаш ва чеклаш тартиби.

Божхона божлари ва тарифларни қўллаш тартиби

"Бож тарифи" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, унинг мазмуни ва моҳияти. Тариф ставкалари ва уларнинг таркиби*. Тарифларнинг таснифланиши. Божхона божлари ва уларнинг турлари. Юк божларининг иқтисодий сиёсатда қўлланилиши*. Ўзбекистон Республикаси савдо сиёсатида божлардан фойдаланиш. Божларни ўз вақтида тўламаганлик ёки нотўғри тўланган чоғида қўлланиладиган жазо турлари*.

Божхона қиймати ва уни аниқлаш усуллари

Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг мақсад ва вазифалари*. Товарнинг божхона қийматини аниқлашнинг жаҳон тажрибаси. Божхона қийматини декларациялаш тартиби*. Божхона қийматини аниқлашнинг асосий (биринчи) усули. Айнан бир хил ва ўхшаш товарлар юзасидан тузилган битим қийматига қараб божхона баҳосини аниқлашнинг иккинчи ва учинчи усуллари.

Қийматларни айириш ва қўшиш асосида божхона баҳосини аниқлашнинг тўртинчи ва бешинчи усуллари*. Божхона қийматини аниқлашнинг резерв олтинчи усули.

Юкларни ташишда божхона назорати

Товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг ҳуқуқий асослари*. Сертификатланган товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби. Лицензияланган товарларни ҳаракатланишини божхона назоратидан ўтказиш*. Божхона қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик.

Халқаро юк ташиш қоидалари

Халқаро савдода юк ташиш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уларнинг аҳамияти*. Юкни жўнатишга тайёрлаш. Халқаро транспорт компаниялари ва транспорт тарифлари.

Ўзбекистонда транспорт сиёсати*. Халқаро юк ташишда "Инкотермс" моҳияти ва мақсади.

4. ИНФОРМАЦИОН-ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитиш жараёнида қуйидаги замонавий техник воситалардан фойдаланиш белгиланган.

- E-mail: mail@finstat.ru
<http://www.finstat.ru/>
- E-mail: valeo@etel.ru
- <http://www.alpbook.ru/>
E-mail: alpina@alp.ru

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралик баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ турлари учун белгиланган баллар миқдори ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "Ёзма иш" шаклида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларга асосланган ёзма иш ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини татбиқ этиш бўйича Намунавий Низом билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича максимал, 55 ва унда юқори фоиз миқдорида балл тўплаган талаба қониқарли ўқиётган ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55 фоизидан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) ҳисобланади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Адолат, 1999.
2. Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодекси. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. - Т., 1998.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори "Ўзбекистон Республикасининг Божхона Кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида" 1997 йил 26 декабрь.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари -Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболлини асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Гатаулин Ш. Солиқлар ва солиққа тортиш, -Т., 1996.
9. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. -Т.: Молия, 2000.
10. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Т.: Академия, 2002.
11. Налоги и налогооблажение в вопросах и ответах: часть 1. -Т.: ГНК, 1998.
12. "Налоги и налогооблажение в Российской Федерации" (учебник для ВУЗов). - М.: Книжный мир, 1999.
13. Налоги под.ред. Д.Г Черника (учебное пособие). -М.: Финансы и статистика, 1998.
14. Финансы (Под. ред. Дробозиной Л.А.). -М.: Юнити, 2000.
15. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи, -Т.: Консаудит информ, 2001.
16. Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Ф.Фулум, 2000.
17. Яхёев Қ. Ўзбекистоннинг солиқли ва солиқсиз тўловлари. -Т.: 1999.

18. Яхёев Қ. Ўзбекистонда солиқ тизими. -Т.: Меҳнат, 1998.
19. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. -М.: Юнити.

Қўшимча адабиётлар

1. Божхона қонун ҳужжатларидаги янгиликлар-1. Бухгалтер кутубхонаси. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. -Т., 1998.
2. Божхона қонун ҳужжатларидаги янгиликлар-2 Бухгалтер кутубхонаси. Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. Т., 1998.
3. Экспорт-импорт юқларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1998 йил 8 апрелда 428-сон билан рўйхатдан ўтган.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона Қўмитасининг 05/8 - 373-сонли Божхона қийматини декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома -Т., 1998.